301198

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 7 октябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 77(7073)

Da'vat

Бахт кўп меҳнат қилганга насиб бўлади.

Леонардо да ВИНЧИ

Ibrat

Дўстлик тумани ҳокимининг фармойишига кўра, эндиликда тумандаги хўжаликлар раҳбарлари ўз ҳудудларидаги мактабларнинг жамоатчилик асосида бош директорлари деб юритиладиган бўлди. Мақсад, мактабларнинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамлашдир.

JUMLADA JAHON

●Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

●Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 6 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматларини белгилаганда, 1 АҚШ доллари 105 сўм 80 тийинга тўғри келди.

● Косово ўлкасидаги вазият кескинлашганлиги сабабли НАТО раҳбари Сербия ҳарбий объектларига зарба беришни режалаштираётган бир пайтда Югославия Президенти С. Милошевич Югославия тинчлик тарафдори ва барча муаммоларни музокара йўли билан ҳал этишга тайёр, бироқ четдан ҳужум бошланса, ўзимизни ҳимоя қиламиз, деди.

● АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Яқин Шарққа ташрифидан кўзланган мақсад Исроил Бош Вазири Бенямин Нетаняху ҳамда Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат билан учрашиб, улар иккаласи ҳамда АҚШ Президенти Б. Клинтон иштирокида 15 октябрда бўлиши режалаштирилаётган саммитга тайёргарлик масалаларини муҳокама қилишдан иборат.

●АҚШ Президенти Билл Клинтон жаҳоннинг 22 мамлакати аъзо бўлган гуруҳнинг махсус мажлисида иштирок этиб, иқтисодий ўсишда бўлган мамлакатларга кредит ажратиш бўйича ўз режасини тақдим этаркан, асосий эътиборни ушбу мамлакатлардаги инқирозларни бартараф этишга қаратиш лозимлигини таъкидлади.

Навоий шаҳрида янги академик лицей ўз фаолиятини бошлаганидан буён, бу муассаса ёшлар ошиқиб келадиган масканлардан бирига айланди. Боиси, бу ерда тўлақонли илм олиш, фан сирларини чуқур эгаллаш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган кўркам синф хоналари, тажрибали ва билимдон ўқитувчилар сабоқлари, булар барчаси янги илм масканининг ижобий тавсифларидир. Суратларда мазкур академик лицейнинг умумий кўриниши ва севимли ўқитувчилари София Жумаева раҳбарлигида информатикадан машғулот ўтаётган талабалар акс этган.

Собир Зуфаров (ЎзА) олган суратлар



Litseylar hayotidan

Ўқитувчи ён дафтарига

ТЎТИ ДАВОЛАЙДИ

Австралиялик логопедлар болаларнинг нутқини тиклашда тўтилардан фойдаланмоқда. Олимларнинг фикрича, бу қуш, айниқса дудуқларни даволашда қўл келади. Тўтига эга бўлган бола унга сўз ўргатиш пайига тушади ва у билан аниқ, равшан гаплашишга интилади. Шу тариқа, орадан маълум муддат ўтиб, боладаги дудуқланиш ўтиб кетади.

САЛМОҚДОР ГАЗЕТА

Бугун дунёда қанча газета чиқади, бу ҳақда аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Лекин, улар орасидаги энг вазни оғиридан хабаримиз бор. Маълум бўлишича, дунёдаги энг салмоқдор газета Америкада нашр этиладиган «Нью-Йорк санди таймс» газетаси бўлиб, унинг бир сони олти килограммдан ҳам оғирроқ экан.

ЎҚУВЧИЛАР ЯРАТГАН ОЛМОС

Тибахисаки шаҳридаги (Япония) ўрта мактаблардан бирида икки нафар 11-синф ўқувчиси ўқитувчи раҳбарлигида сунъий олмос яратишга муваффақ бўлдилар. Фақат микроскоп орқалигина кўриш мумкин бўлган бу митти олмослар сунъий бўлса-да, ҳар қалай олмос. Ёш кашфиётчилар келгусида каттароқ ҳажмда олмос яратишни режалаштирганлар.

ДАРЁ ФОЖИАЛИ АҲВОЛДА

Дунёдаги энг йирик Миссисипи дарёси аёвсиз фойдаланиш натижасида ачинарли аҳволга келиб қолди. Дарё ҳавзасининг юқори қисмида икки йил тадқиқот олиб борган мутахассислар унинг чиндан-да фожиали аҳволга тушганлиги хусусида маълумот бердилар. Уларнинг айтишларича, агар дарёдан шу зайл фойдаланиш давом этаверса, яқин эллик йил ичида Миссисипи ирмоқлари ва қўлтиқлари бутунлай ботқоқлашиб қолиши мумкин.

Qaror va ijro

ВАЗИФАЛАР АНИҚ

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Шу йил 13 майда Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилган эди.

Хўш, шу қарорлар қабул қилинганига 4 ойча бўлди, шу вақт мобайнида унда кўрсатилган топшириқлар ижроси қандай бўляпти, бундан кейин яна нима ишлар қилинади? Мана шу масалалар юзасидан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтининг директори Х.Рашидовга мурожаат этиб, юқорида айтилган қарорлар ижроси хусусида сўзлаб беришини илтимос қилдик.

— Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган мазкур қарорлар Сиз бошлиқ мутахассислар зиммасига қандай вазифаларни юклади ва уларнинг ҳозирги вақтда ҳаётга жорий этилиши қай аҳволда?

— Ҳақиқатан ҳам жуда муҳим тарихий қарорлар қабул қилинди. Эндиликда уни ҳаётга тўла тадбиқ этишдек ўта маъсулиятли вазифалар олдимизда қундаланг булиб турибди.

Аввало, бу қарорлар республикамизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этишда яна бир муҳим босқични бошлаб берди. Улар билимлар асосларини пухта ўрганиш ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими буйича кадрлар тайёрлаш учун академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш мақсадини кўзлайди ҳамда мустақил мамлакатимиз келажагининг буюк бўлишига катта ёрдам беради.

Биз таълим соҳасида бутунлай янги ислоҳотларга қадам қўйдик. Бу борада дастлаб ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг янги тизими ишлаб чиқилди. Касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган касбларнинг классификатори тузилди. Бу ўзининг моҳияти ва тузилиши билан бутунлай янги бўлиб, унда касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган кичик мутахассисларнинг малака даражаларини акс эттириш мақсад қилиб қўйилган. Шу кунларда ушбу классификатор лойиҳаси мутахассислар, амалиётчиларнинг кенг доирасида муҳокамадан ўтмоқда. Шу билан бирга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандарти, ушбу таълим турининг битирувчиларига бўлган малака талаблари лойиҳалари ҳам тайёрланиб муҳокамадан ўтмоқда.

— Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг асосий хусусиятлари ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

— Урта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида Низом ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 204-Қарори билан тасдиқланган. Шунга кўра АКАДЕМИК ЛИЦЕЙларда ўқитиш муддати 3 йил бўлиб, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус маълумот берилади, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини, чуқурлаштирилган, табақалаштирилган ҳолда ўқитиш таъминланади.

Академик лицейларда ўқувчилар ўқишни олий таълим муассасасида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида руёбга чиқариш мақсадида билимлар даражасини оширишни ва махсус касб-ҳунар кўникмаларини шакллантиришни таъминлайдиган ўқиш йўналишини (гуманитар, табиий-илмий) ихтиёрий равишда танлайдилар. Соҳа бўйича табақалаштирилган ҳолда ўқитишни амалга ошириш учун илмий-тадқиқот ташкилотлари Узбекистон Республикаси ОЎМТ вазирлиги билан битим асосида академик лицейларга ҳомийлик қиладилар.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖларида эса ўқитиш муддати уч йил бўлиб, давлат таълим стандарти доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти берилади, ўқувчиларнинг касб-ҳунар лаёқатларини, кўникма ва ўқувларини ривожлантиришни, уларнинг танланган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир нечта мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди. Улар республика ҳудудларини иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш, шунингдек меҳнат бозорининг кичик мутахассисларга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Касб-ҳунар коллежлари учун ижро этувчи ҳокимият маҳаллий органлари томонидан барқарор ишлайдиган корхоналар ва ташкилотлардан васийлар белгиланади.

Шунингдек, турдош ОЎЮлари томонидан уларга ҳомийлик қилиш амалга оширилади. Касб-ҳунар коллежида касб-ҳунар ва таълим дастурларини бажариш ўқитишнинг икки томонлама тизими асосида амалга оширилиши мумкин. Бунда ўқув-таълим жараёни ва касб-ҳунарларга тайёрлаш тегишли равишда коллежда ва корхонада олиб борилади.

Урта махсус, касб ҳунар таълими муассасалари худудларнинг демографик ва географик шароитларини, тегишли соҳа

(Давоми 2-бетда)

Milliy dastur – amalda

ИСТИҚБОЛЛИ КОНЦЕПЦИЯ

Ёшларни ҳар томонлама билимли ва комил инсон қилиб тарбиялаш мустақиллик йилларида ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифага айланди. Шуниси аниқки, бу борадаги масъулият эса кўпроқ таълим муассасалари ва у ерда меҳнат қилаётган ўқитувчи, мураббийлар зиммасига тушади. Шу аснода табиий савол туғилади: барча юмушлар устозларга юкланаверса, таълим-тарбияда оила, маҳалла ва жамоатчиликнинг ўрни қандай бўлади? Очиғи, қадимда бола тарбияси хоҳ оилада, хоҳ маҳаллақўйда бўлсин, барибир, устивор вазифа саналган. Тарбия кўп қиррали ва мураккаб жараён бўлганлиги боис ота-онанинг масъулияти янада ошиб борган. Оила бошлиғи сўзлаганда, унинг юзига тик боқишни фарзандлар ўзларига эп билмаганлар. Онанинг эса ўзига хос тарбия усуллари бўлиб, биз уларни ҳали-ҳанузгача пайқаб улгурмаганмиз.

Шу ўринда маҳалла кексалари, зийрак онахонларимиз панд-насиҳатлари, ўгитлари, умуман халқ педагогикасининг ўрни бўлакчалигини била туриб, уларни турмушда қўлламаймиз. Нега? Ё тарбияшуносликда бошқача усул ва воситалар кашф қилинганми? Сирасини айтганда, турғунлик йилларида пайдо бўлган бўшлиқ қачон ва қай тарзда тўлдирилади?!.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, педагогика фанлари доктори Ҳамидулла Йўлдошев илмий раҳбарлиги ва таҳрири остида ишлаб чиқилган «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси ана шу бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади. Концепциянинг кириш қисмида шундай дейилади: «Тарбия жараёни иштиро

(Давоми 2-бетда)

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз, доимий ҳамроҳу ҳаммаслагингиз бўлмиш «Маърифат»га 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси:

Якка обуначилар учун — 149

Ташкилотлар учун — 150

Ehtirom

МУАЛЛИМЛАРГА ЕР УЧАСТКАСИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги қарорига асосан устозлар байрами муносабати билан ўқитувчиларга 2 та квартира, 3 та ер участкаси ажратилди.

Дарҳақиқат, Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги биноси ёнидаги сайилгоҳда ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир таровати узгача бўлди. Дастлаб туман ҳокими К.Тошпўлатов, ҳоким ўринбосари Ш.Пўлатовлар ўқитувчи ва мураббийларни табриклаб, улар шаънига илиқ сўзлар айтишди. Сунгра устозларга ҳокимият томонидан ажратилган 76 та гилам, 5 та телевизор, 300 га яқин турли хил совғалар тақдим этилди.

Туман халқ таълими бўлими мудири А.Раҳматуллаев ҳам барча-барчани байрам билан қутлаб, илғор ўқитувчиларга «Узбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси», ТШХТББ нинг «Халқ таълими фидойиси», ва Оқилхон Шарафиддинов номидаги кўкрак нишонлар ва Фахрий ёрлиқларни топширди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан, нафақадаги таълим ходими Ҳожиакбар Қурбоновга эса ер участкаси берилганини айтиб, табриклади.

—Туйғуларимни таърифлашга тил ожиз, - деди нафақадаги ўқитувчи Ҳ.Қурбонов,- Негаки, бундай эҳтиромни бошқа даврларда ҳеч кўрмаганман.

Шу куни байрам тадбирлари илм масканларида, болалар боғчаларида ҳам давом этди.

Байрам кунлари қаердаки, ким билан учрашманг, Президентимиз Ислом Каримовнинг маърифат аҳлига эътиборидан мамнун эканликларини билдирдилар. Бу мамнунлик, руҳиятдаги бундай ўзгаришлар халқ таълимини юқори бос- қичга кўтаришда муҳим омиллардан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Холида МИРСАЛИМОВА

ХАБАРЛАРИ — МММ

BUYUKLARNI YOD ETIB

Ibn Sino nomli Buxoro viloyat kutubxonasida Imom al- Buxoriyning 1225 yilligiga bag'ishlab qator tadbirlar o'tkazilmoqda. Buxoriyning «Buxoroi zaminning yorqin yulduzi» nomli kitob ko'rgazmasi tashkil qilindi.

Shuningdek, kutubxonada «Buyuk siymolarimiz dilimizga jo» mavzusida hadisxonlik kechasi uyushtirildi. Kechada sharqshunos olim Bahodir Qozoqov ishtirok etib qatnashchilarga allomaning hayoti va ijodiy yo'li haqida gapirdi. Shu kuni kutubxona uslubshunoslari yubileyga bag'ishlab «Hadis ilmining sultoni» nomli ko'rgazma tashkil etdilar.

M.KARIMOVA

MUZEYDA SHAHAR TARIXI

Tarix muallimlari taklifi va tashabbusi bilan Kogon shahridagi 3-maktabda shahar tarixi muzeyi tashkil etilayapti. Bu ishga barcha maktablar jalb qilinib, qadimiy, nodir eksponatlar yig'ish boshlab yuborildi. Muzey yaqinda 110 yilligi nishonlanadigan Kogon shahri tarixi bilan mehmonlarni tanishtiruvchi o'ziga xos maskan bo'ladi.

D.JABBOROV

HAM SAYOHAT, HAM ZIYORAT

Mamlakatimisga tashrif buyurgan Germaniyaning bir guruh talabalari ToshDUning jurnalistika fakulteti talabalari hamrohligida jahon sivilizatsiyasining qadimiy beshiklari bo'lmish Samarqand va Buxoro shaharlarida bo'ldilar. Temuriylar davri obidalari, Naqshband ziyoratgohi xotiralari barchada katta taassurot qoldirdi.

M.TOJIYEV

ВАЗИФАЛАР АНИҚ

НАТИЖАЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

(Боши 1-бетда)

мутахассисларига бўлган маҳаллий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўқувчиларни оиладан узоқлаштирмай имкони борича кўпроқ қамраб олиш шароитларидан келиб чиқиб ташкил этилади. Уларга ўқувчиларни қабул қилиш эса мактаб битирувчисига унинг қобилияти, касб-ҳунарга эҳтиёжи ва қизиқишини ҳисобга олган ҳолда касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари томонидан бериладиган тавсияномалар ҳисобга олинади. Бундай ўқув муассасаларида ўқиш фақат кундузги шаклда бўлиб, ўқув йили 2 семестрга бўлинади. Ўқувчилар учун камида 10 ҳафта ва кўпи билан 12 ҳафта давом этадиган таътиллар белгиланади.

— Янги ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари аввалги ҲТБЮларидан нимаси билан фарқланади?

— Касб-ҳунар коллежлари ўзининг моҳияти бўйича ҳозиргача фаолият кўрсатиб келган ҳунар билим юртлари ёки техникумлардан таълим мазмунининг янгилиги, таълим-тарбия жараёнининг юқори даражада ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Шу сабабли коллежларнинг моддий-техника таъминотидан тортиб, ўқув-методик таъминотигача бўлган талаблар, ҳисоб-китоб ишлари олиб борилиб, ниҳоясига етказилди. Бу соҳада ОЎМТ вазирлигида ташкил этилган ЎМКҲТ маркази, бизнинг институт ва вилоятларнинг ЎМКҲТ бошқармалари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

— Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Янги таълим тизимидаги таълим турларини ташкил қилишда ўзаро боғлиқлик, узвийлик ва узлуксизлик таомилларига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли умумий ўрта таълимнинг мазмуни ўзгариши муносабати билан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг умумтаълим компонентлари мазмуни ҳозиргача фаолият кўрсатиб келган билим юртларининг мазмунидан тубдан фарқ қилади. Таълимнинг барча турлари орасидаги мазмун жиҳатидан узвийликни таъминлаш мақсадида ОЎМТ ва Халқ таълими вазирликлари тасарруфидаги илмий-тадқиқот институтлари мутахассислари иштирокида мувофиқлаштириш кенгаши ташкил қилинмоқда. Бу кенгашнинг вазифаларига ишлаб чиқилаётган таълим стандартларига қўйиладиган ягона талабларга амал қилишини таъминлаш, доимий ўтказиладиган семинарлар ташкил қилиш, илмий-методик ишлар натижаларини таҳлил қилиш кабилар киради.

Суҳбатдош Байт ТУРДИЕВ

Hay'at yig'ilishida

НИЯТ — ЖАҲОНГА БЎЙЛАШМОҚ

Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган Ҳайъат мажлисида олий ўқув юртлари фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор долзарб масалалар муҳокама этилди. Жумладан, «1997-98 ўқув йили якунлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича 1998-99 ўқув йили вазифалари тўғрисида»ги масала юзасидан Узбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов маъруза қилиб, унда 1997-98 ўқув йили натижаларига якун ясалди ҳамда янги ўқув йили-да Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қилинадиган ишлар белгилаб берилди ва хусусан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

-янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шаклланиши даврида талабалар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, улар билан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, умуман, талабаларни мустақиллик мафкураси билан суғорилган етук, баркамол, Ватанга содиқ, фидоий шахс этиб тарбиялаш бўйича олий ўқув юртлари олдига бир қатор қўшимча вазифалар қўйилди ва бунинг учун таълим ва тарбия ишларини бир-бири билан узвий боғлаган ҳолда олиб бориш ҳамда бу муҳим ишни амалга оширишда ўқув юртлари жамоаларининг барча аъзоларини фаол иштирок этишга кенг жалб этиш зарурлиги уқтириб ўтилди;

-Давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берувчи дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш ишлари сусткашлик билан олиб борилаётганлигини таъкидлаб, бу борада туб ўзгаришлар амалга ошириш зарурлигини ва талабаларнинг қалбига, тафаккурига ижобий таъсир кўрсатадиган, гогик технологияни кенгроқ татбиқ этиш, ўқув юртлари лаборатория ва кабинетларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, уларни компьютерлаштириш. Интернет тизимига киритиш, ўқув жараёнида қўлланилаётган рейтинг тизимига янгича шакллар киритиш, хусусан, ёзма синовлар ўтказиш, юқори курс талабаларининг ўқув амалиётини хорижий давлатларда ташкил этиш ва бу борада олий ўқув юртлари раҳбарларининг ташаббускорлигини ошириш каби масалалар бугунги кун тартибида турган долзарб, бажарилишини кечиктириб бўлмайдиган ишлар эканлиги қайд этиб ўтилди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди ва уларни бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш таъкидланди.

МУХБИРИМИЗ

ИСТИҚБОЛЛИ КОНЦЕПЦИЯ

(Боши 1-бетда)

рокчилари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида 1993 йилда ишлаб чиқилган «Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси ёшларни истиқлол ғояларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида муҳим дастуриламал бўлди».

Хўш, бу мавзуга нега қайтадан қўл урилди? Гап шундаки, мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган таълим ва тарбия тўғрисидаги қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бозор иқтисодиёти шароитларида мураффақиятли ишлай оладиган, мустақил фикрловчи кадрларни тайёрлашда оила, маҳалла ва мактаб нуфузини янада юқори поғонага кўтаришни тақозо этмоқда. Шу боис, Концепция обрўли олимлар, мутахассисларнинг таклиф ва мулоҳазалари асосида қайта ишланди, унда оилага алоҳида эътибор қаратилди. Шуниси аҳамиятлики, Концепция бир гуруҳ тақризчилар томонидан ижобий баҳоланди.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлиси жараённи урганиб чиқиб, «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси (янги таҳрири)ни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, 1998 йилнинг 15 октябрига қадар бу масала ҳар томонлама кенг урганилиб, барча халқ таълими муассасаларида Концепцияни амалга ошириш бўйича зарур ташкилий тадбирлар амалга оширилади...

Муҳими, янги таҳрирдаги Концепцияда уни амалга ошириш жараёнида оиланинг, маҳалланинг, мактабнинг долзарб вазифалари, ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигини амалга ошириш тамойиллари ва босқичлари, шунингдек, фаолиятда қўллаш механизми ва услублари белгилаб берилди.

Тарбиявий, ташкилий, услубий ишларни амалиётга жорий қилишда эса ҳар бир фуқаро, оила, маҳалла ва мактаб узининг шарт-шароити, атроф-муҳитини таҳлил қилган ҳолда

- «ўқувчи-ўқитувчи - ота - она»;
- «мактаб-оила-маҳалла-жамоатчилик»;
- «оила-маҳалла-боғча-мактаб» йўналишларида амалий-тарбиявий ишларни ҳаётга татбиқ этишади ва шу кун талаби даражасида тарғибот қиладилар.

Бу, албатта, оила сардорларидан, маҳалла фаолларидан, мактаб раҳбарлари ва педагогларидан катта маҳорат, тажриба ва айрича салоҳият талаб этади.

Қувончлиси, мутахассислар «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» Концепцияси (янги таҳрири)ни истиқболли Концепция, деб баҳоламоқдалар. Биз ҳам мазкур ҳужжат оила, маҳалла ва мактабларнинг энг муҳим иш тамойилларидан бирига айланиб қолади, деб ишонамиз.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Qutlug' ostona

ИСТЕЪДОДЛАР ЎЛКАСИДИР БУ...

Истеъдодли ёшларга эътибор катта бўлган юртда келажак ҳам буюк бўлади. Мустақил юртимизда ёшларга—ўқувчи, талаба, аспирантларга эътибор катта бўлаётганлигини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Бу борада Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек» жамғармаси жуда катта ижобий ишларни амалга оширмоқда. Ана шу ишнинг давоми сифатида яқинда Тошкент Молия институтида «Истеъдодли ёшлар фестивали» ўтказилди. Фестивалда истеъдодлиларга кўрсатиладиган ғамхўрлик яна бир карра ўз тасдиғини топди.

«Улуғбек» жамғармаси бош директори Аброр ака Ҳазратқулов бизга қилинаётган ишлар хусусида шундай дейди:

-Ёшлар бизнинг келажагимиз. Улар ақлли, билимдон, истеъдодли бўлсагина юрт равнақига муносиб ҳисса қўша оладилар. Биз ҳам шу мақсадда истеъдодли ёшларни излаб топиб, уларни рағбатлантириб қўлимиздан келганча ёрдам бериб келмоқдамиз. Асосий мақсадимиз Истеъдодли ёшлар банкини яратиш ва бу банкка қобилияти бор ёшларни аъзо қилиб олишдир. «Истеъдодли ёшлар фестивали» биз ўтказган бир қанча танловларнинг якуни ҳисобланади.

Фестивал сўнгида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда таниқли олимлар, шоирлар, истеъдодли ёшлар иштирок этишди. Тошкент Молия институти талабаси Акмал Ҳасанов, Тошкент банк коллежи талабаси Муаттар Эгамова, Республика бадиий-амалий санъат лицейи ўқувчиси Ойбек Исломов, Фарғона болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази гилам тўқиш тўгараги раҳбари Гулчеҳра Саляҳовалар бу кўрик танловларда ғолиб деб топилган эдилар.

Кўргазмага қўйилган нарсаларни томоша қиламиз. Расмлар, қўл ишлари, гиламчалар, кулолчилик буюмлари —буларнинг ҳаммасида истеъдоднинг учқунлари кўриниб турибди. Республика бадиий-амалий санъат лицейи ўқувчиси Ойбек Исломов чизган суратларни кўрган киши ажабланади. Мен Ойбек билан суҳбатлашдим, унга чизган суратларидаги ранглар,манзаралар ғузаллиги ҳақидаги фикрларимни айтдим.

Ойбек Исломов: — Мен болалигимданоқ расм чизишга қизиқаман. Бу қизиқишим мени Тошкент шаҳридаги рассомчилик тўгарагига етаклаб келди. 2-синфда ўқиётганимда Тошкент шаҳри мактаблари ўртасида ўтказилган конкурсда биринчи ўринни олдим ва Республика бадиий-амалий санъат лицейига ўқишга қабул қилиндим. Менга устозларим Раҳмон Ҳидоятов , Ваҳоб Зиёевлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. 1998 йил «Улуғбек» жамғармаси ўтказган танловда ғолиб чиқиб, жамғармага аъзо бўлдим. Бу йил улуғ бобокалонимиз Ал-Фарғонийнинг тўйлари ўтказилади. Буюк бобомизга атаб сурат ишлаганман. Маълумки, бобомиз Мисрда яшаб, уша ерда кўп ихтиролар қилганлар. Мен суратим орқа фонида Миср тунини тасвирлаганман.

— Ойбек, сиз рангларни, манзараларни ўзингиз танлайсизми, ёки кимдир кўрсатма берадими?

-Рангларни, фантазияларни ўзим танлайман, ўйлаб топаман. Устозларим йўл-йўриқлар беришади, ўргатишади. Лекин асосан ўз хаёлотим билан сурат ишлайман.

— Халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этганмисиз?

-1996 йилда Швецарияда бўлиб ўтган Болалар ва ўсмирлар халқаро кўригида қатнашиб, совринли ўринлардан бирини қўлга киритдим ва сертификат олишга мушарраф бўлдим. Бу йил Японияга суратларимни юбордим. Индира Ганди таваллуди муносабати билан Ҳиндистонга ҳам ишларимдан намуналар жўнатдим.

Ойбек Исломов суратларини кўриб унинг чинақам қобилият эгаси эканлигини билиш қийин эмас.

Тошкент шаҳри Миробод тумани 110-мактаб ўқувчиси Азиз Усмонов ясаган кулолчилик буюмлари ҳам шундай мақтовга лойиқ. Кўзалар, кулдонлар, кичик-кичик совғалар Азизнинг келажакда уста, маҳоратли кулол бўлиб етишувига далилдир.

Элим деб, юртим деб яшаётган ёшларга эътибор катта бўлар экан, юрт мустақиллиги янада мустаҳкам ва буюк бўлади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

УЧ КУНЛИК СЕМИНАР

Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида «Умумий ўрта таълим тажриба-синов дастури» бўйича уч кунлик методик семинар ўз ишини тугатди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш ҳақида»ги қарори билан чуқур танишган вилоят малака ошириш институтларининг бўлим мудирлари ҳозир бўлишди. Марказий малака ошириш институти ректори Акром Акмалов мазкур қарорни амалга ошириш бўйича олиб бориладиган вазифалар ҳақида сўзлаб, семинар қатнашчиларини янги ўқув дастури асослари ва йўл-йўриқлари билан таништирди.

Методик семинарда республика халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев қатнашди ва бу қарор янги ўқув тизимини шакллантиришда катта аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шунингдек, методик семинарда республика таълим маркази директори Ғ.Шоумаров, мазкур марказ Ғарбий Европа тиллари бўлими мудири Т.Очилов ва бошқалар ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

М.СОДИҚОВ

Dil izhori

УСТОЗЛАРИМ ЎРНИ БЕҚИЁС

Мен шу кеча кундузда қалбимда завқу шавқ ва қувонч туйғуларини туйиб турибман. Чунки, яқинда «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами муносабати билан муҳтарам юртбошимиз имзо чеккан Фармонга асосан мен юксак давлат мукофоти — «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирландим. Бу мен учун катта бахт, катта қувонч, шу билан бирга ишонч ва масъулиятдир.

Бунинг учун мен улуғ бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур бобомизни ўзининг «Устози» деб билиб, ҳазрати инсоннинг «Куч адолатдадир» — деб уқтирган ўгитларига амал қилиб, жаннатмакон мустақил Узбекистонимизда барча соҳаларда тўғри сиёсат олиб бораётган ва «Куч — билим ва тафаккурда» эканлигини исбот қилиб бераётган юртбошимиздан чексиз миннатдорман.

Бугунги бахтиёр дамларимда мени шу даражага етказишга ўз ҳиссаларини қўшган ота-онам, турмуш ўртоғим ва барча оила аъзоларим, Тошкент шаҳридаги 40, 141-мактабдаги, Тошкент Давлат Университетидаги менга таълим берган ўқитувчиларим ҳамда меҳнат фаолиятимда раҳнамолик қилган ажойиб инсонлар Саид Шермуҳамедов, Иброҳим Муминов, Жура Йўлдошев ва Ғайрат Шоумаров каби устозу мураббийларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Олий мукофот менга ва ҳамкасбларимга масъулият юклайди. Шу боис, биз бундан кейин ҳам мустақил фикрловчи, ҳар томонлама етук, баркамол ўғил-қизларни вояга етказишга бутун куч- қувватимизни сарфлаймиз. Қисқаси, комил инсон тарбияси йўлида билим ва тажрибаларимизни аямаймиз.

М.ТУРОПОВА,
РТМ Маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби

АЛЛОМАНИ ЁД ЭТИБ

Жиззах вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтида буюк мутаффаккир Ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган «Ал Фарғоний - фалакиёт султони» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияга вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ўқитувчилар таклиф этилиб, улар узларининг сермазмун ва қизиқарли маърузалари билан тадбирда иштирок этишди.

Буюк алломага бағишланган конференцияни вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ректори Р.Каримов кириш сўзи билан очиб, ушбу тадбирнинг илм-фан соҳасидаги ижодий самараси тўғрисида кенг тўхталиб ўтди.

Шунингдек, институт проректори, доцент Сафар Рузибоев «Қомусий олим руҳига таъзим», физика, математика ва информатика кафедрасининг катта ўқитувчиси Б.Лўқмонов «Узлуксиз таълим тизимида фан» мавзуларида маъруза қилдилар.

Шундан сўнг, илмий-амалий конференция қатнашчилари иккита шўъбада «Таълим мазмунида миллий қадриятларни тиклаш муаммолари» ва «Таълим жараёнида педагогик технологияни қўллаш» мавзуларида маърузалар тинглашди. Маърузачилардан Б.Холбоев (Зафаробод туманидаги 33-мактаб), С.Қулбекова (Бахмал туманидаги 1-мактаб) маърузалари катта қизиқиш уйғотди.

Р.ҚОРАБОЕВА , Жиззах ВПХМОИ бўлим бошлиғи

Taqriz

ҚАДРИЯТЛАР ВА ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Юртбошимиз Ислом Каримов таърифича, биз «жамиятни дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик... Айнан шунинг учун маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини ўрёёга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади». Бундай олийжаноб мақсадга эришиш учун инсон камоли билан боғлиқ барча омилларни жиддий урганиб, уни жамиятнинг фаол бунёдкори қилиб тарбиялаш биринчи даражали вазифадир. Мазкур муаммони ҳал қилишдаги илмий тадқиқотлар ўтказиш, жиддий асарлар ёзиш долзарб ишлардан. Бу соҳада самарали фаолият кўрсатаётган атоқли олим, УзРФАнинг мухбир аъзоси, профессор Жондор Тўлановнинг «Қадриятлар фалсафаси» номли асари («Узбекистон» нашриёти, 1998 й) диққатга сазовордир. Асарда қадриятларнинг моҳияти ва асосий турлари, уларнинг яқин-ўтмишдаги аянчли аҳволи, мустақиллик шарофати билан тикланиши ва мазмунан бойиши, қадриятларнинг юксак инсоний фазилатлар шаклланишидаги ўрни, миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишидаги аҳамияти атрофлича ёритиб берилган.

Муаллифнинг ютуқларидан бири фанда мустабидлик шароитида унутилган атамалар «миллий ифтихор», «миллий ғурур», «миллий истиқлол» кабиларга илмий категориялар сифатида назарий жиҳатдан аниқ таърифлаганида кўринади.

Китобда қайд қилинганидек, Президентимиз асарлари орқали мазкур атамаларнинг ҳаётимизга қайта кириб келиши, маданиятимиз,урф-одат ва анъаналаримизнинг тикланиши, миллий ғуруримиз,узлигимизни англашимизнинг тобора юксалаётгани фахр-ифтихор билан асосланиб берилган.

Муаллиф қадриятларни жамиятдаги урни хусусида сўз юритиб, уларни халқ бойлиги,деб таърифлайди. Қадриятлар ўтмиш билан бугуни ва эртанги кунни боғлайдиган восита бўлиб, кишиларни элга, ватанга садоқатли, комил инсон қилиб тарбиялайдиган қудратли куч, дейди у.

Китобнинг махсус бобида буюк аждодларимизнинг маданий мероси, халқимиз маънавий юксалишининг қудратли омил эканлиги асосланган. Унда Шарқ цивилизацияси, жумладан, Марказий Осиё азал-азалдан юксак маданият, илм-фан маскани бўлиб келганлиги; буюк сиймолари, мутафакирлари узларининг кашфиётлари билан жаҳон маданият тараққиётига улкан ҳисса қўшгани батафсил ёритилган.

Президентимиз таъкидлаганидек , дейилади асарда, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратиб келинган бебаҳо меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани муҳим воқеа бўлди. Натижада халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси ва ижодкори, узига хос миллий маданият соҳибига айланди. Мустақиллик миллий-маданий илдизларимиз нақадар теран эканлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Миллий маданиятимизнинг жамиятимиз тараққиётини тезлаштириш, инсонни маънавий - ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва камол топтиришдаги ўрни бениҳоя каттадир, дейилади китобда.

Китобда миллий психология, миллий онг, ўзликни англаш тушунчаларининг моҳияти, шунингдек, шарқона маънавий-ахлоқий қадриятларимизнинг тарбиявий аҳамияти очиқ-ойдин ёритиб берилган. Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида, дейилади китобда, инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи ҳақида жуда кўп маслаҳатлар, фикр- мулоҳазалар мавжуд. Унда инсонпарварлик, ватанпарварлик,ростгўйлик, меҳнатсеварлик, раҳм-шафқат, мурувват,одамийлик каби юксак фазилатлар доимо улуғланиб,-мадҳ этиб келинган. Шунинг учун ҳам ёшларни шарқона анъаналар замирида тарбиялаш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Шу боис кейинги йилларда республикамизда ёшларни маънавий камол топтиришга қаратилган кўпгина хайрли ишлар қилинмоқда. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши, мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида маънавият асослари дарсининг жорий этилиши шулар жумласидандир.

«Қадриятлар фалсафаси»нинг миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятлар муштараклиги масаласига бағишланган саҳифалари, айниқса, қизиқарли ўқилади. Зеро, инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у узининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, миллий қадриятларни англашини тасаввур қилиш қийин. Миллатни миллий қадриятларидан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният олдидаги энг катта жиноятдир.

Асарда ҳозирги ҳаётимиздан олинган кўпгина далиллар асосида, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий қадриятларимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишидаги хизмати атрофлича асослаб берилган. Узбекистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тинчликсевар мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда тараққиётга эришишнинг узига хос йўлини танлаган. Шу туфайли унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў ва эътибори тобора орта бормоқда. Китобда бу борада қилинган амалий ишлар батафсил ёритиб берилган.

Жондор Тўланов асарининг етакчи томони шундаки, муаллиф ўлкамизда, ҳатто бутун минтақада рўй бераётган мураккаб социал-иқтисодий, сиёсий-маънавий воқеаларни илмий жиҳатдан тўғри таҳлил қилиб, тегишли назарий хулосалар чиқаради, айрим фойдали тавсиялар беради.

Ҳозирги вақтда Узбекистон халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашмоқда. БМТнинг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, ХВФ, Халқаро Молия Корпорацияси, Иқтисодий тараққиётга кумаклашувчи ташкилот, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти шулар жумласидандир. Республикамиз раҳбарияти Марказий Осиё ва МДҲ давлатлари иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш соҳасида ҳам катта ишларни амалга оширмоқда. Муаллиф ёзганидек: «Миллий маданият, маънавиятимизни минтақавий ва умуминсоний қадриятлар билан яқинлаштириш, жаҳон халқлари билан маданий алоқаларимизни мустаҳкамлаш ва янада тараққий эттириш ҳукуматимиз сиёсатининг муҳим йўналишини ташкил этади». ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотлар билан бу борадаги ҳамкорликлар ҳам китобда батафсил ёритилган. Китобда Президентимизнинг маърузалари ва асарларида ўртага ташланган ғоялар, жамиятимизда миллий қадриятларни тиклаш, мазмунан бойитиш соҳасида қилинаётган ишлар, шунингдек, бу соҳада ечимини кутаётган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган. Муаллиф бу масалалар бўйича шахсий фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ўртага ташлайди.

Аммо, ушбу жиддий фалсафий тадқиқотда буюк мутаффакирлар тўғрисида маълумотлар билан бир қаторда халқ оғзаки ижодидаги чинакам миллий қадрият дурдоналари тўғрисида ҳеч қандай фикр йўқ. Ваҳоланки, халқ қўйлаган қўплаб ажойиб достонлар миллий қадриятларимизнинг ноёб намуналаридир. Афсуски, китоб баъзи стилистик ва орфографик хатолардан ҳам холи эмас.

Юқори илмий даражада ёзилган мазкур китоб қадриятлар, маданият ва маънавият масалалари билан қизиқувчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, шунингдек, кенг китобхонлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Исо ЖАББОРОВ, фалсафа фанлари доктори, профессор

Anjuman

«КУТУБХОНА ВА ОИЛА»

Алишер Навоий номидаги Республика Давлат кутубхонасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда «Кутубхона ва оила» мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Уни республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Н.Аминов кириш сўзи билан очди. Сўзга чиққанлардан «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос олим О.Шарафиддинов, маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари О.Матёқубов, республика Оила марказининг раҳбари О.Мусурмонова ва бошқалар оилада китобхонлик, китоб ва ҳаёт, мактаб ёшидагиларнинг китобга муносабати масалаларига кенг тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, илмий-назарий анжуманда «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари, кутубхона ходимлари ҳам сўзга чиқишди.

Кутубхонадаги илмий-назарий анжуман китобхонларга манзур бўлди.

Н.АСЛОН

ҚАДИМИЙ ИЛДИЗЛАР

Оила ва никоҳ тарихидан айрим лавҳалар

Биринчи мақола

1998 йил Оила йили деб эълон қилингунга қадар «оила» сўзи қандай маъноии бериши, қачон пайдо бўлгани тўғрисида кам гапирилар эди. Оила йили муносабати билан ушбу атаманинг келиб чиқишидан тортиб, қадимий «катта» оиладан «кичик», ягона оила ташкил топгунга қадар, оиланинг турли босқичлардаги тадрижий такомилини ёритиш кун тартибига чиқди. Тўғри, ўзбек этнографиясида туркий халқлар оиласи ва никоҳининг қадимий илдизлари, ўсиш-ўзгариш босқичлари ҳақида маълумот берувчи манбалар тўпланмаган. Биз бор материаллар орқали ибтидоий аждодларимизнинг никоҳ ва оилавий муносабатлари қандай шаклларда бўлганини ёритишимиз мумкин. Бу қадимий қабила ва уруғчилик, феодал-патриархал муносабатларини ўзида акс эттирган халқ достонлари ва эртакларидир. Халқ достон ва эртакларида қадимий оилавий муносабатлар бир оз бадиийлашган тарзда бўлса ҳам ўз аксини топгандир. Хусусан, озарбайжон халқ эртаги «Қорақош»да, ўзбек халқ достони «Орзигул»да, Ҳеродот асарларида, шунингдек, славян халқлари фольклорида бу борада хилма-хил талқинлар учрайди. «Даҳшатли, ёвуз хон, - деб ёзган эди қозоқ адиби Мухтор Авезов, - эрксиз кишиларнинг қизларига нисбатан эмас, балки ўз қизига нисбатан ҳам шафқатсизлик қилади. Бироқ эртакларидаги қаҳрамон фақат оқила бўлиб қолмасдан, балки у руҳан тетик ва қатъиятлидир. Кўп ҳолларда у ўз фазилатлари туфайли хон қизидан халқ қизига айланади».

Озарбайжон халқ эртаги «Мастон»да акасининг уйланмоқчи эканлигини эшиттан синглиси ўз севгани билан қочиб кетади. Бу каби асарларда биз маълум бир уруг ичида мавжуд бўлган никоҳ шакли -эндогамиянинг бузилишини кўрамиз.

Эндогамиягача маълум уруг ёки гуруҳлар ичидаги никоҳ ибтидоий жамоа тузуми даврида табиий бир кўриниш, деб қаралган. Халқ эртакларидаги ибтидоий никоҳ кўринишлари ана шу эндогам никоҳ шаклининг таъсиридир. Опа-сингилларнинг битта эрга чиқишлари ҳам эндогам никоҳнинг қадимий изларидан биридир.

Туркий халқлар достон ва эртакларида кўпинча бўлгуси қайлиқ топиш ва куёвни унга эриштириш учун икки, баъзан ундан ҳам кўпроқ қаҳрамон биргаликда («Қирон ога», «Қирон қароқчи», «Қирон ботир» эртакларида) ҳаракат қиладилар. Қаҳрамон қайлиққа эришувида йўлда учраган Қирон исмли киши яқиндан ёрдам беради. «Алпомиш» достонида Алпомишнинг Барчинойга етишувида қалмоқ ботири Қоражон ёрдам беради.

Шуни айтиш керакки, ота билан уғилнинг бир қизга уйланишга бўлган ҳаракати гуруҳ усулидаги никоҳнинг илк босқичларини ўзида акс эттирган бўлса, бу мотив сўнгги даврларда ака-укалар, дўст-жўралар ўртасидаги гуруҳ усулдаги никоҳ кўринишлари билан алмашган.

Кейинги босқичларда, қаҳрамонларнинг бамаслаҳат ёки дўстона ҳаракати эмас, балки кенжа уғилнинг бўлгуси қайлиғига акаларининг ҳам даъво қилиши, зўровонликлари, ота меросига эга бўлиш ёки тож-тахт учун кураш мақсади ҳам қўшилиб кетганини кўрамиз. «Қуш тилини биладиган Искандар ҳақида эртак» номли озарбайжон халқ эртагида Искандар ўз дўсти Яҳёга хотини билан у қайтиб келгунча бир уйда яшаб туришини илтимос қилади. Бу бизнингча, ака-укаларнинг бир қизга нисбатан бўлган гуруҳ усулидаги никоҳ шаклининг кейинги босқичлардаги кўринишларидир. Ака-укаларнинг бир қизга уйланиши Шарқ халқлари, жумладан, ҳинд ва араб халқларида ҳам мавжуд бўлган. Беруний асарларида келтирилган мисолларда никоҳнинг полиандрия (кўп эрлик) шакли яққол кўринади туради. Қадимда маъжусий (бутпараст) араблар бир неча киши (эркаклар) бўлиб, битта хотин билан яшаганлар.

Гуруҳ усулидаги никоҳ билан эндогамиянинг изларидан яна бири полиандрия (кўп эрлилик) билан сарорат (бир эркакнинг опа-сингилларга эрлик қилиши)дир. Сароратнинг кейинги даврларда узгарган кўриниши - эркакнинг ўлган хотинининг синглисига уйланиши, шу давр нуқтаи назаридан шарт қилиб қўйилганидир. Бунинг тескариси левиратда эса бева қолган хотин эрининг акасига ёки укасига турмушга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Бунинг ахлоқий-маънавий жиҳатлари ҳам борга ўхшайди. Хотини вафот этган эркакнинг ўлган аёлининг синглиси ёки қиз опасига уйланишида етим фарзандларга оналик қилиш нияти борлиги яққол сезилиб туради.

Левират, унинг халқ эртакларидаги акси, ягона никоҳгача бўлган никоҳ шаклларининг халқ оғзаки ижодидаги тасвири ҳақида тўхталиш ҳам муҳимдир. Левиратнинг (бева хотиннинг ўлган эрининг акаси ёки укасига тегиши) қадимий излари халқ эртакларида ҳам кўплаб учрайди. Бунга ога-инилар ўртасидаги зиддият асосига қурилган барча эртаклар мисол бўла олади. Лекин левират бу турдаги эртакларда она уруғоши даври таъсирини эмас, балки ота уруғоши даври кўринишларини ифода этганини кўрамиз.

Бева аёлнинг ўлган эрининг акасига ёки укасига турмушга чиқиш-чиқмаслиги кўпроқ аёлнинг ўзига боғлиқ бўлган. Халқ эртакларида эса бева аёлнинг ўлган эрининг укасига ёки акасига ўз хоҳиши, ихтиёри билан турмушга чиққанини кўрмаймиз. Аммо эри ўлган ёки эрини ўлдириб, унинг ўғлига эрга чиқмоқчи бўлган ўгай она образини учратамиз. Масалан, «Шокир ва Шокирот» номли эртакда ўгай она эрининг катта ўғлига ошиқ бўлиб, уни ўзига жалб қилишга уринади: у Шокирга, отанг қариб қолган, мен уни заҳарлаб ўлдираман, сен унинг ўрнига хон бўласан деб, ўзининг унга хотин бўлишини уқтиради.

Албатта, ўгай онага ўйланиш оилага ёт уруғдан аёлнинг келиб қўшилиши ва полигамиянинг вужудга келишидан кейин қўшилгани шубҳасиздир. Юқоридаги мисоллар таҳлили кўрсатадики, аёл ливерати даврида бева қолган аёл вафот қилган эрининг акасига ёки укасига эрга чиқиши мумкин бўлган ва бу ҳол кўпинча она уруғи ёки бева хотиннинг хоҳиши билан амалга оширилган.

Бизнингча, гуруҳ усулидаги никоҳ она уруғоши босқичи юзага келиши билан ягона никоҳ шаклига ўтган, дейиш унча ишонарли эмас. Бу никоҳ аста-секинлик билан тараққий этиб, она уруғошигача давом этиб келгани эҳтимолдан холи эмас.

Ривож топган она уруғошининг асосий белгиларидан бири ягона никоҳ-оила ҳособланади. Бунда эр-хотин ўз она уруғи оиласида яшаб турган. Баъзан эр-хотинникига бориб турган ёки хотин эриникига келган (албатта, бу таширф характерида бўлган).

Ягона жуфт оиланинг мустаҳкамланиши билан эр хотинникига кўчиб ўтадиган бўлган. Тарихда бундай никоҳ матрилокол никоҳ, деб юритилади. Никоҳнинг бу шакли кўпинча халқларда жумладан, Африка, Индонезия, Океания ва Шимолий Америка халқларида сақланиб қолган. Масалан, уч кунлик базмдан кейин меҳмонлар тарқалишган. Куёв эса келиннинг ўтовида етти кунгача қолган. Бу вақт ичида у оила аъзоси сифатида барча ишларни бажарган. Туркий халқлар достон ва эртакларида никоҳнинг бу кўриниши қаҳрамоннинг маълум бир саргузаштларидан кейин қайнотасининг (подшо) ўрнига подшо бўлиши ёки подшонинг кенжа қизига уйланган калнинг маълум топшириқларни бажариб, синовдан ўтгунча қайнотаникида яшаб туриши ва пировардида қайнотасининг ўрнига подшо бўлиш каби кўринишларга эга.

Она уруғоши даврининг энг характерли хусусиятларидан бири ҳам никоҳнинг аёллар ташаббуси билан амалга оширилишидир. Бунда аёл ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, куёв

1998 yil—oila yili

танлаш, уни маълум синовлардан ўтказиш кабилар унинг хоҳиши билан амалга оширилган. Ҳеродотнинг хабар беришича, лидиялик аёллар ўзлари эр танлайдилар. Алгонкинларнинг бир уруғида қадимда қизлар ўзига ёққан йигитларга ўзлари совчилик қилганлар. Агар иши ўнгидан келса, унга бир ойгача овқат олиб бориб турган. Кейинчалик келиннинг онаси ўзининг ёнидан алоҳида уй қуриб берган, эр эса унда келин билан бирга яшаган. Шимолий Америкадаги Чокта уруғининг никоҳ маросими ҳам жуда қизиқ. Келин ва куёв ўртасида мусобақа ўтказилган. Мусоқабада куёвнинг енгиши ёки ютқазиши кўпинча келиннинг ўзига боғлиқ бўлган. Агар келин ўзининг бўлғуси эрига имконият яратса у ютган. Аксинча, имкон бермаса у ютқазган ва уйланишдан маҳрум бўлган. Бундай никоҳнинг бошқачароқ кўринишларини «Момир билан Сомир» номли ўзбек халқ эртагида ҳам учратамиз. Қаҳрамон ошиқ бўлиб қолган ҳинд шоҳининг қизи: ким мени яккама якка курашда енгса шунга тегаман, дейди. «Кенжа ботир», «Икки опа-сингил» эртакларида қиз ўзига уйланмоқчи бўлган йигитларга қирқ қулоқли қозонда қайнаб турган сутга узугимни ташлайман, уни олиб чиққанда куймаганга тегаман деб шарт қўяди.

Қадимги Урта Осиё қабилаларида кимда-ким уйланмоқчи бўлса, албатта, у қайлиқ билан яккама-якка курашга тушиши лозим бўлган. Қадимги сакларда ҳам шундай одатларнинг бўлгани тарихдан маълум. Агар қизнинг қўли баланд келса маглуб шахс унинг асири ва қули ҳисобланган. Фақат қизни маглуб этган чоғдагина йигит уни ўз қарамоғига олган.

Албатта юқоридаги эртаклардаги йигит ва қизнинг яккама-якка куч синашиши бора-бора бошқа турли вазифаларни бажариш билан алмашган. Қизнинг қийин шарт ва топшириқларини бажариш орқали бир томондан йигитнинг (куёвнинг) жисмоний бақувватлиги, уддабуронлиги аниқланса, қийин саволлар орқали унинг ақли, фаҳм-фаросати кузатилган.

Худойберган ЭГАМОВ,
Тошкент Давлат маданият институти
ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор

Maktabgacha ta'lim

ЁШ ТАБИАТСЕВАРЛАР

Биз учун экологик тарбия бугун бошлангани йўқ. Чунки ота-боболаримиз қадимдан табиат, жамики жонзотларнинг онаси эканини яхши билганлар. Она табиат уни эъзозлаганларга мурувват қилишини, асраганларга саховат кўрсатишини чуқур тушунганлар. Шунинг учун ҳам табиатга ҳамиша эҳтиёткорона муносабатда бўлганлар. Бинобарин, бугунги кундаги экологик тарбияга эҳтиёж, жиддий муносабат ота-боболаримиз ўгитларининг тикланиши, қадим қадриятларимизга қайтишдир.

Экологик таълимни фақат боғча ёки мактабларда эмас, балки республика миқёсида барча таълим-тарбия жараёнида, ҳатто оиладан бошлаб тўғри йўлга қўймоғимиз лозим. Чунки, болага оила, мактаб, боғча бир хилда тарбия берса, яхши натижаларга эришишимиз аниқ.

Шуни чуқур ҳис этган ҳолда, Акмал Икромов туманидаги 396-болалар боғчаси ва 81-мактаб «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси билан биргаликда 1996 йилдан буён иш олиб бормоқда. Бу ҳамкорликни яхши йўлга қўйишда бизга шу мажмуа директори Э.Турдиқулов ўз маслаҳатлари билан яқиндан кўмаклашиб келмоқдалар. Мана, 1996-1997 ўқув йилини якунлаб биринчи қалдирғочларимизнинг 80 фоизини 81-мактабга ўқишни давом эттириш учун кузатдик. Ушбу мактаб маъмурияти ҳам бизнинг кичкинтойлардан жуда хурсанд-лар, чунки тест саволлари орқали 1-синфга қабул қилишда, дастлабки қадамданоқ болаларнинг билимлари сезилди.

Бундан биз боғча тарбиячилари жуда қувондик. Боғчамизда олиб борилган экологик тарбия яхши самара берганини кўрган мактаб ўқитувчилари улар билан шуғулланишни тўғаракда давом эттирмоқдалар.

Шу ўринда экологик тарбияни кичкинтойларга сингдиришда жонбозлик кўрсатаётган боғча раҳбари М.Собирова, тарбиячилар М.Саримсоқова,Р.-Назарова,Ғ.Қориеваларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш лозим. Барчамизнинг истагимиз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, билимдон, оқил инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Дилфуза УМАРОВА,
А.Икромов туманидаги 396-болалар боғчасининг бош тарбиячиси

Суратларда: 1. Экология бўйича тарбиячи Гавҳар Қориева болакайларга атроф-муҳит ҳақида шу тариқа тушунча бериб туради. 2. Мусиқа тарбиячиси Муқаддас Рашидова машғулот олиб борянти. Ш.Акромов олган суратлар.

ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ВА МАЪНАВИЯТ

Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда олий педагогика институтида «Имом ал-Бухорий ва маънавият» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, академик Б.Аҳмедов, унинг ўринбосари У.Уватов, олий педагогика институти директори, профессор Ш.Шаропов, Халқаро ислом тадқиқотлари марказининг директори, профессор М.Нуритдинов, республика миллий маданият маркази раисининг ўринбосари М.Нурматова ва республика, вилоят олий ўқув юртларидан келган олимларнинг мулоҳазалари ўртага ташланди.

Бухорий мероси маънавиятимизнинг улкан қисмини ташкил қилади. Бугунги авлод уни ҳар қанча ўқиб ўрганса, тадқиқ қилса оз. Олимларнинг маърузаларида асосий ўрғунинг шунга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Анжуманга қатнашган тингловчилар имом ал-Бухорий меросининг янги қирраларини кашф этишди.

Ҳ.АБДУНАЗАРОВ

ЭСИМДА ЎША ДАМЛАР...

Dil izhori

Етуклик аттестатини қўлга олганимизга 40 йил тўлди. Бир синфда 32 ўқувчи эдик. Уттан қирқ йил давомида ҳаммамиз ҳам оила, бола-чақа, неваралик бўлдик. Лекин устозларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромимиз ҳамон ўша-ўша.

Биз собиқ синфдошлар ҳозирда Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида кексалик гаштини сураётган биринчи синф ўқитувчимиз - Х.Тошбоевни ҳамон ҳурмат билан тилга оламиз.Ёдимизда, Хўжан аканинг мактабда ягона, иккита мушук расми туширилган, оқ чиннидан ясалган чиройли сиёҳдони бўларди. Мактабимизнинг барча ўқувчилари сиёҳдонини ҳавас ва иштиёқ билан томоша қиларди. Синфда ҳам, мактабда ҳам ўқув қуроллари, айниқса ручка, перо, сиёҳдон, дафтар, қалам етишмас эди. Шу сабабли бўлса керак, Хўжан аканинг бизларга пахтабоғич (қамишнинг бир тури)дан ручка ясатганлари, ақлли ручка ҳақида эртак айтиб берганларига яқин кунларда эллик йил тўлади.

Вақт, ҳаёт - оқар дарё. Эллик йилда эл ўзгаради, дейди доно халқимиз. Ҳақиқатан ҳам ҳаёт тубдан ўзгарди. Лекин Хўжан ака биз учун ўша Хўжан Тошбоев.

Мактабимизда дарслар яхши ўтилар, фан тўгаракларини изчил ишларди. «Ёш адабиётчилар» тўгараги раҳбари Саломат Бобохонов синфдаги дарсларига ҳам, тўгарақдаги машғулотларга ҳам шеър ўқиб кирар, уни шеър ўқиб тўгатар эдилар. У ҳурматли зот - бутун-бутун достон, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёддан билар, соатлаб бетўхтов шеърлар ўқиши мумкин эди. Мен ҳаваскор қаламкаш сифатида шеърлар машқ қилишни, шеъриятнинг ўзига хос сир-асрорларини дастлаб ўша кишидан ўрганганман.

«Ёш математиклар» тўгарагини синф раҳбаримиз Б.Юсупов олиб борарди.Бобохон ака ўта билимдон, камгап, хушмуомала, маданиятли киши эдилар.

Бобохон аканинг дарс ўтиш услубини биз жуда ёқтирар эдик. Бобохон ака дарсларида ўқувчилар учун эркинлик, мустақил фикрлаш, ўз кучига, қобилият ва имкониятига ишонч ва ўзаро ҳурмат биринчи ўринда турарди. Дарс давомида исталган ўқувчи, истаган пайтда иш юзасидан ўрнидан туриши, ўртоғидан билмаганини сураши, билганини бошқаларга халақит бермасдан ўргатиши мумкин эди. Лекин янги типдаги масала, мисолларни ечишда қоидага қатъий амал қилинар, дарсда истайсизми, истамайсизми ўтилган, ўзлаштирилган дарслардаги асосий математик тушунча, қоида, ечим қайта такрорланар, ўтилган дарслар билан янги дарс материали ўртасида муайян боғланиш ҳосил бўларди.

Бобохон ака Юсупов бизларга уч йил синф раҳбари бўлди, уч йил математикадан сабоқ бердилар. Лекин шу йилларда синфимиздаги ўқувчилардан биронтасининг шахсиятига тегадиган гап гапирганларини эслай олмаймиз. Бугунгидай ёдимизда:

кимё фани ўқитувчимиз Ф.Садриддинова «Бундан кейин Сизларга дарс ўтмаганим бўлсин» деб синфонадан синф журналини қўлтиқлаганча чиқиб кетди. Ўқувчилардан кўпчилиги ҳайрон. Бир оздан сўнг Флюра опамиз орқада, Бобохон ака олдинда синфга келишди. Бобохон ака бизларга бир сўз ҳам гапирмади. Сиёҳдонларнинг барчасини териб олди. Синфхонасидан чиқиб кетди. Флюра опа ниҳоятда кайфиятсиз дарс ўтди. Дарс тугади. Мактаб ҳовлисида синдирилган сиёҳдонлар ётарди.

Эртаси куни дарсга келдик. Ҳамма ўқувчиларда янги сиёҳдон. Биринчи соат математика дарси эди. Бобохон ака ҳеч воқеа юз бермагандай, кечаги кимё дарсида ҳеч гап бўлмагандай дарсини бошладилар. Дарсини тугатдилар. Лекин ўша соат, ўша кундан эътиборан ўттиз икки ўқувчидан биронтаси дарс пайтида ортиқча ҳаракат, шумлик, шўхлик қилмайдиган бўлишди. Бу бизларнинг Бобохон ака Юсуповга нисбатан ҳурматимиз, Бобохон ака тарбиявий услубининг натижаси эди.

Қирқ йил илгари ўрта мактабда фан асосларини ўргатган ўқитувчиларим Х.Худойбердиев, Б.Тураев, Н.Муҳаммадиев, И.Норбоев, Й.Эгамбердиев, Э.Бостанжева, М.Муртазина, М.Маҳкамов, Р.Турахонов, Г.Сатторова, У.Норматова, Х.Қурбонов ва бошқалар ҳозир ҳам кўз олдимизда. Уларнинг машаққатли меҳнатларини қанчалик таърифласам-да, оздек кўринаверади. Демоқчиманки, устозлар ўгитлари ҳануз ҳаёт йўлларимизни маёқ бўлиб ёритаяпти. Қисқаси, шу бугун ҳам, улуғ айём кунида нафақа ёшида бўлишимга қарамай, зиёбахш муаллимларимга эзгу тилаклар битилган каломимни йўллаб, улар таъзимида турибман.

Хушбоқ РАҲИМОВ

МАКТАБ МУЗЕЙЛАРИ

Наманган туман халқ таълими бўлимига қарашли мактаб, 22 та боғча-яслиларда таълим-тарбиянинг муҳим таркибий қисми-музейлар ишини яхшилаш, уларни ўқувчи-ёшларнинг севимли масканига айлантиришга катта эътибор билан қаралаётир.

Ҳ.Бобоназаров номидаги 8-ўрта мактабда 1500 нафар ўқувчи тарбияланади. Бу ерда ташкилотчилик ва ташаббускорлик билан саъй-ҳаракат қилиниши туфайли кўп йиллардан буён музей фаолият кўрсатиб келяпти. Шўрқўрғон қишлоғи, унинг ўтмиши, шу ҳудуддаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг ташкил топиши, жаҳон уруши ва ундан кейинги даврга оид маълумот, кўргазмалар барчанинг эътиборини ўзига тортади. 1000 дан ортиқ осори-атиқа ўтмишдан ҳикоя қилиб беради. Музей мутасаддиси С.Абдуллаева уларни янада кўпайтиришга интиляпти. М.Сиддиқов номидаги 13-ўрта мактаб қошида тажрибали тарих фани ўқитувчиси Турсунбой Бобораҳимов бош бўлган музей ҳам ибратли ишларни амалга ошираяпти. Бу ерда ҳам ўтмиш ва ҳозири ҳаёт ўз аксини топган.

Сирожиддин Ғойибовнинг елиб-югуриши натижасида 24-ўрта мактабда ҳам ҳавас қилса арзигудек музей барпо бўлган. Ўқув маскани фаоллари Наманган шаҳридаги вилоят ўлкашунослик музейи ходимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб келаётирлар. Шунингдек, туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва усмирлар ижодий марказида ҳам ўзал музейга асос солинди.

Б.ҚЎШМОНОВ

ЭЛ ТАНИГАН ОЛИМА

Ўз илмий изланишларини компьютер хизматидан халқ хўжалигини бошқаришда кенгроқ фойдаланишга, айниқса инсон саломатлиги йўлида ва келажагимиз бўлган ёшларга янги технологик жараёнларни ўзлаштиришга ўз умрини бағишлаган Ҳабиба Икромова мана 1968 йилдан бери Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Кибернетика» институтида, кейинчалик Тошкент Политехника, Архитектура ва қурилиш институтларида катта салоҳият билан фаолият кўрсатиб келмоқда.

ТошДУнинг физика-математика факультетига ўқишга кириб ва уни 1961 йили имтиёзли диплом билан тугатгач, УзФАга қарашли Математика институтининг Ҳисоблаш марказида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган Ҳабиба Икромовани электрон-ҳисоблаш машиналари ва у билан боғлиқ муаммолар жуда қизиқтириб қўйган эди. Шу сабабли устози, УзФАнинг академиги Восил Қобулов унга Қозон шаҳридаги ЭҲМлар ишлаб чиқарадиган заводга бир гуруҳ мутахассислар билан бориб ишлаб, тажриба орттиришни маслаҳат берди. У бу ерда ҳам тиниб-тинчимади. ЭҲМларнинг иш жараёнларини тўла-тўкис урганди ва етук мутахассис сифатида Тошкентга қайтиб келди. Ўз устида тинмай изланган Ҳабиба Зуфаровна қисқа фурсатда «ЭҲМларни бошқариш» лабораториясида муҳандис, катта муҳандис ва бош муҳандис лавозимига кўтарилди. Унда фан сирларини чуқур билишга бўлган иштиёқ тобора кучайиб борди ва 1968 йили аспирантурага ўқишга кирди. Уни ЭҲМни инсон саломатлигини мустаҳкамлашга бўйсундириш қизиқтирарди ва шунинг учун ҳам шифокорлар билан илмий ҳамкорлик қилишга киришди. Урганилаётган касалликни таҳлил қила оладиган математик модель яратиш ва унинг ечимини ЭҲМда топиш Ҳабиба Зуфаровнадан катта матонат, мустаҳкам ирода, сабр-тоқат ва фидоийлик билан изланишни талаб қиларди. Шу йўналиш бўйича олиб борган илмий изланишлар якуни сифатида 1970 йилда номзодлик диссертациясини ёқлади ва ўзбек қизлари ичида биринчилардан бўлиб техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Кейинчалик шу йўналиш бўйича илмий мактаб яратиш сари интилди.

1982 йили Москвада бўлиб ўтган Халқаро анжуманда академик Г.И.Марчук Ҳабиба Зуфаровнанинг илмий ишларига юқори баҳо бериб шундай деди: «Ибн Сино ўлкасида ЭҲМ ҳам шифокорга мададкор эканлигини ўзбек қизи Ҳабибахон халқаро анжуман қатнашчилари, айниқса, АҚШ, Италия, Канада, Олмония олимларига исботлаб берди ва уларнинг олқишларига сазовор бўлдики, бу - ўзбек илмий фанининг катта ғалабасидан далолатдир».

Ҳабиба Зуфаровна республикамизда табобат кибернетикаси билимларини кенг ёйиш, «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари»дан республика ёшларига билим беришда ҳамда шу йўналишда илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда фаол қатнашмоқда. Унинг 300 дан ортиқ илмий мақолалари, рисола ва монографиялари нафақат республикамизда, ҳаттоки хорижий мамлакатларда ҳам (АҚШ, Голландия, Хитой, Германия, Болгария, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар) тан олинган ва ўзи информатика соҳасидаги Халқаро Банкка эксперт сифатида киритилди (ЮНЕСКО ахбороти 1998 йил, 3-сон).

Яқиндагина академик В.Қ.Қобуловнинг шогирди бўлган Ҳ.З.Икромова тез фурсатда бугунги кунга қадар ўзи илмий мактаб яратиб, янги информацион технология асосида математик моделлаштириш йўналиши бўйича 30 га яқин фан номзодлари ва 7 фан доктори тайёрлаш билан бир қаторда «Информатика» соҳасида ёшларимизга бугунги кун талабига мос билим бериш мақсадида шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактабнинг 10-11-синфларида «Информатика» лицейини очиб, у ерда мана 3 йилдирки, дарс бериб келмоқда.

Ҳабиба Зуфаровнанинг илмий фаолияти турли даражадаги фахрий ёрлиқлар, дипломлар билан баҳоланган ва «Меҳнат фахрийси» медали билан тақдирланган. Бугунги кунда олиманинг илмий изланишлари ЮНЕСКО бўйича халқаро миқёсда тан олинди. Ўзбекистонда информатика бўйича Ҳабиба Зуфаровна халқаро эксперт. Бу жуда катта масъулият ва ўзбек олимасининг катта ютуғи, аждодларимизнинг юксак маданияти, фан тараққиётидаги эришилган меросимизнинг давомидир.

Н.СУЮНОВ

ТАЗЙИҚ ВА ТАҚДИРЛАШ

Mulohaza

ЁХУД УЛАРНИНГ ҚАНДАЙ НАТИЖА БЕРИШИ ХУСУСИДА

Синфдаги 25-30 нафар ўқувчининг ҳар бири сўзингни, ҳаракатингни турли ҳолатда кузатиб ўтиради. Баъзилари лоқайд, хаёли паришон бўлса, баъзилари хато қилишингни пойлаб ўтиргандек туюлади. Яқин-яқинларгача дарсларда асосан ишонтириш усули ва мажбурлаш усулларидан фойдаланардик. Айниқса мажбурлаш, тазйиқ усули тилда тан олинмаса-да, аслида биз яшаб келган авторитар тузумнинг маърифатдаги акси, инъикоси эди. Дарсни уй вазифасини сўраш билан бошлардик ва тайёрламай келганларни таҳқирлардик, уларнинг устига «ахмоқ», «пўстак» каби ҳақоратларни дўлдай ёғдирар эдик. Шу зайлда дарсни ярмига якун ясалиб, янги мавзу баёни бошланади. Бунда ҳам асосан ўзимиз гапирардик, ўқувчилардан эса қимирламай, мутлақо жим ўтиришлари талаб қилинар эди. Дарслар деярли бир хил, зерикарли бўлиб ўзлаштирувчилар сони бармоқ билан санаш даражасида эди.

Мана етти йилдирки, маорифда ҳам котиб қолган усулларга барҳам берилиб, ўқувчилардан эркин фикрлаш талаб қилинаяпти. Энди дарсларимизда ўқувчилар ҳаракатчанлиги ва фаолияти ошган бўлса-да, ҳамон тарбиямиз натижаси бўлмиш тортинчоқлик батамом тарк этганча йўқ.

Бешинчи синф ўқувчиси Феруза математика дарсида мутлақо жавоб бермасди. Орқа ўриндиқда жимгина ўтириб, дарсни кузатарди. Сураганимда ҳам жавоб бериши қийин эди. Биринчи ўқув чорагида математикадан билимини «ўрта» баҳога баҳоладим. Иккинчи чоракда у билан алоҳида шуғуллана бошладим ва маълум бўлдики, Ферузада билим бор экан-ку, тортинчоқлиги эса билимини ошкор қилишга ҳалақит берар экан. Мен уни рағбатлантира бошладим, натижада аввалига «яхши», кейинроқ «аъло»га жавоб бера бошлади. Синф раҳбари она тилидан дарс берар эди. Она тили дарсида ҳам аҳвол шу. Билим якуни -«ўрта». Менинг математикадан қўйган «аъло» баҳоларимдан хатто синф раҳбари ҳайрон бўлди: «она тили «ўрта», математика «аъло», бу мумкин эмас» - деб таажжубланарди.

Демак дарс ўтиш жараёнида тазйиқ усулидан воз кечиш билан бирга тортинчоқликни ҳам олдини олишимиз керак экан. Бунинг учун ўқувчини хар қандай камситиш ва таҳқирлашдан ўзимизни тийишимиз керак. Ҳамон шундай ўқитувчилар учраб турадики, «ҳозирги ўқувчиларни уришиб бўлмайди, тегмасингдан ота-онаси югуриб келади, ҳақ-ҳуқуқини яхши билволишган» - каби ўтган йилларни қумсовчи гап-сўзлар қулоққа чалинади.

Биз энг аввал ўқувчилардаги эркин фикрни қўллашимиз керак. Бунинг учун улардаги эркин фикрни йўналтира билмоғимиз керак.. Таҳқир бор жойда фикр бўлмайди. У ҳолда ўқитувчи нимани бошқаради? Бунга далил сифатида яна бир мисолни келтириш мумкинки, ҳамма синф-да ҳам 2-3 та ўқувчи доим доскага жавоб беришга чиқади, қолганлари эса жавоб бериш қанақа эканлигини ҳам унутиб юборишади. Ҳар куни жавоб берган ўқувчи эса яна жавоб бергиси келади ва бундай ўқувчилар иқтидорли ўқувчилар қаторидан жой олишади. Аслида тортинчоқлиги туфайли иқтидори намоён бўлмаётган қанча-қанча ўқувчиларнинг тақдири, келажаги учун ким жавоб беради?.

Зотан бизга қулоқ солиб, кузларини тикиб ўтирган ўқувчиларимиз-бизнинг келажакка меросимиздир. Меросга эса ҳеч ким хиёнат қилишга ҳаққи йўқ. Истардимки тикилиб ўтирган ўқувчиларимизда фикр ва журъат бўлсин ва уларда Она Ватанни янада обод қилиш истаги устивор бўлсин. Шундагина биз ўқитувчилар ҳам Ватан истиқлолига, Ватан истиқболига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ,
Тошкент шаҳридаги
224-мактаб ўқитувчиси

Ahmad al-Farg'oniyning 1200 yilligiga

АЛЛОМАЛАР ГУРУНГИ

Илмий-фантастик лавҳа

Тарихнинг буюклигини буюк ишлар таъминлайди. Қуйида профессор Омонулла Файзуллаевнинг «Алломалар гурунги» номли илмий-фантастик лавҳасини ўқир экансиз, бу ақидага яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Ушбу лавҳанинг қизиқарли ва эътиборли томони шундаки, муаллиф тарихнинг турли даврларида яшаган алломаларни ўзаро мулоқот эттиради. Уларнинг илмий қарашларини уйғунлаштиради.

Рисолани ўқир экансиз, у сиздан андак қўпроқ диққатни талаб қилади. Қани эътибор билан ўқиб чиқингчи, сизда қандай таассурот уйғотади.

ТАҲРИРИЯТ

Иштирокчилар:

Птолемей (II аср), Аҳмад ал-Фарғоний (IX аср), Беруний (XI аср), Улуғбек (XV аср), Коперник (XVI аср), Муҳаммад Олим (анжуман раиси), Ҳаким Саид (ихтиёрчи) ва бир гуруҳ замонавий олимлар.

Профессор Муҳаммад Олим - Анжуманимизнинг кечаги йиғинида ҳозирги замон, яъни XX1 аср бусағасида атоқли илғор олимлар маърузаларини тингладик ва муҳокама қилдик. Бугунги дастуримизда бу дунёдан ўтиб кетган, лекин ҳозирги фанимизга замин яратган алломаларнинг ал-Фарғоний ижодига бўлган муносабатларини кўриб чиқиш мўлжалланган.

Профессор Жорж Ҳамилтон - Бизлар-ку тирик жон, улар эса аллақачон вафот этиб кетган бўлса, қандай қилиб учраша оламиз?

Муҳаммад Олим - Саволингиз табиий, албатта. Гап шундаки, бу ерда иштирок этаётган профессор Ҳаким Саид бунинг йўлини топган. Мана, ўзлари тушунтирсинлар.

Ҳаким Саид - Мен жаҳон фани ҳамда техникаси тарихига оид манбаларга қизиқиб келаман. Бу ишга етмиш йиллик умримни сарфладим, ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Мени бир савол қизиқтирди. Биз ҳаммамиз бу оламдан ўтамиз. Хўш, мен ўлганимдан кейин нима бўламан? Жон танамдан чиққач, бутунлай йўқ бўлиб кетадими ёки руҳга айланадими? Бу масалани ечишимда Ибн Синонинг «Руҳ ҳақида китоб»и мадад берди. Сўнг Дантенинг «Илоҳий комедия»сида Ибн Сино ва ал-Фарғоний руҳлари гавдалантирилганидан ўзимча сабоқ олдим.

Профессор Курт Ганс - Ибн Сино руҳ ҳақида асосан нима деганди, ҳозир унинг бу фикрига муносабат қандай?

Ҳаким Саид - Вужуд тана билан жондан иборат. Жисм ўлгандан сўнг жон руҳга айланиб, танадан чиқиб кетади. Ибн Сино одамнинг руҳи ўлмайди, деб айтган. Ҳозирги замонда эса руҳ ҳақидаги мулоҳазалару қарашлар турлича. Ҳатто руҳ бошқа одам танасига ўтиб, жонга айланади, деган фикрлар ҳам бор. Менга Ибн Синонинг хулосаси қўпроқ маъқул.

Мен одам ўлгандан кейин жоннинг аҳволи нима бўлар экан, деган саволга жавоб бериш мақсадида ўтмишдаги алломалар фикрини ўргандим ва ўз олдимга муҳим, шу билан бирга қийин вазифани қўйдим: руҳларни ўзаро ва тириклар билан учраштириш мумкинмикан? Бунинг учун ҳозирги замондаги физик майдонлар ва тўлқинлар назарияси, биоқувват ва бионика, космогония ва космология, қадимшунослик ва илоҳиёт, руҳшунослик ва экстрасенсология илмларининг ютуқларидан фойдаланишга ҳаракат қилдим.

Профессор Алексей Леонидов - Хўш, хўш, кейин-чи?

Ҳаким Саид - Кейин, мана бу архевизор қурилмасини яратдим. Телевизор - «узоқдан кўрсаткич» экан, архевизор эса - «қадимдан кўрсаткич»дир. Мана, телевидео қурилмасига қўйиб, фильм қуриш учун ҳар хил кассеталар сотилади. Архевизор қутичасига эса кассета эмас, истаган китобнинг бир вараги киритилади. Бундай қутичалар бешта, демак шунча олимнинг, масалан, Птолемей, ал-Фарғоний ва бошқаларнинг ҳозиргача нашр этилган китобларидан биттадан варақ жойлаштирилади, холос. Мана бу тугмача босилса, ҳар бир варақ ўзининг «аждод» варақлари занжирини қидира кетади ва ўша қадимги олимларнинг қўлёзмаларигача бориб етади. Иккинчи тугмачани босак, бу маълумотлар муаллиф онгига етиб боради, яъни тафаккур хазинасини «тутади». Ана энди, архевизорнинг мана бу мурватини ўёқ - бу ёққа буриб, шу олимнинг бутун умри давомида ёзиб қолдирган фикрларини экранда кўриб, эшитишимиз мумкин. Мана бу тугмача орқали эса бешта олим айтмоқчи бўлган фикрни экран таништиради.

Муҳаммад Олим - Энди архевизион қурилма ёрдамида ўтмишдаги даҳоларнинг ўзаро мулоқотига ўтамиз. Марҳамат, профессор Ҳаким Саид.

* * *

Хонада саҳна учун ажратилган жой қоронғулашади. Экран қаршисидаги ҳажмий тасвирлар кетма-кет пайдо бўла бошлайди. Ҳаким Саид театр режиссёри каби олимлар мулоқотини бошқарар, алломалар ҳам худди қайта тирилгандек у ёқдан - бу ёққа юриб гурунг бошлайдилар.

Коперник – Ассалому алайкум. Кеча Аҳмад ал-Фарғоний таваллудига бағишланган халқаро илмий анжуманда анчагина маърузалар бўлди. Бунга ҳаммамиз гувоҳмиз. Бизнинг кечада иштирок этишимиз руҳан бўлгани учун савол-жавобларга аралаша олмадик. Дарҳақиқат, кечаги маърузачилар - жонли одамлар, бизлар эса фақат руҳмиз. Мана энди бугун, ўзимиз бир гаплашиб олайлик. Тириклар дунёсида маслисни албатта раис олиб бориши шарт ва қандайдир жиҳатдан мавқеи бошқалардан ажралиб турадиган одам раис этиб сайланар экан. Бизда ҳаммамизнинг мавқеимиз бир - руҳлармиз. Шунинг учун раис қилиб ичимизда энг мўйсафидимиз Птолемейни сайласак. Нима дейсизлар?

Иштирокчилар - Маъқул.

Птолемей - Ташаккур. Аввало, ҳаммамизнинг номимиздан ва барча марҳум ҳамкасбларимиз номидан муҳтарам ал-Фарғоний таваллудининг муборак санаси билан табриклаймиз. Мен ўзим бундан 1900 йил илгари Фарғонани билар эдим, лекин руҳан бу ерга биринчи келишим. Бу ҳам бўлса - сизнинг тўйингиз туфайли, жаноб ал-Фарғоний. Энди, гурунгимизни олиб бориш тартибини шундай ўрнатсак: аввало юбиляримиз ал-Фарғоний ўзлари эришган илмий ғояларнинг мазмуни ҳақида ахборот берсалар-да, сўнгра уларнинг муҳокамасига ўтсак, ўз муносабатларимизни билдирсак.

Ал-Фарғоний - Аввало шуни айтишим жоизки, сизларнинг Фарғонага келиб мени табриклашингиз руҳимни ниҳоятда шод этди. Қизиқ-да, ҳаммамиз ҳаётлигимизда бир-биримиз билан учраша олмаганмиз. Руҳлар оламининг имтиёзи ҳам шу экан - бизлар учун, энди, замон, макон тушунчалари йўқ. Бу имкониятимиздан шу вақтгача фойдалана олмаган эдик. Шунинг учун, аввало, бу гурунгни уюштирганларга ва ташриф буюрганларга ташаккур. Энди, ғояларимнинг мазмунига ўтсам.

Илмий ғояларим нимадан иборатлигини ўзимдан сурамоқчисизлар. Нималар ҳақида ўйлаганман, мулоҳаза қилганман, айтганман - бари қўлёзмаларимда акс этган. Уларнинг тақдири кейинги асрларда қандай кечгани мендан кўра сизларга аён.

Коперник - Шу ерда иштирок этаётганларнинг асарлари бизнинг замонамизда маълум эди. Ҳатто ал-Фарғонийнинг асарлари Оврупода ҳам маълум ва машҳур бўлган. Ҳозир ушбу асарлар Англия, Фарангистон, АҚШ, Марокаш, Миср ва Санкт-Петербургда сақлаб келинмоқда ва тадқиқотчилар эътиборидадир. Асар 1145 йили Ионна Севил, 1175 йили Херард Кремон томонидан лотин тилига таржима қилинган ва 1193, 1533, 1537, 1590 йилларда Гоол, Региомонтан, Шенер, Христман, Кампани каби олимлар томонидан таржима қилиниб, Оврупонинг ҳар хил мамлакатларида чоп этилган. Булар менга маълум эди. Кечаги мажлисда айтилишича, мендан кейин ҳам, масалан, 1910 йили бу китоб қайта нашр этилибди, асарнинг кичик бир парчаси урис тилида эълон қилинибди.

Улуғбек - «Ал-Фарғоний жадваллари» асарининг қўлёзмаси Ҳиндистонда, «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи»нинг қўлёзмаси Қоҳирада, «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб» ҳинд олимларида, «Етти иқлим ҳисоби» асарининг қўлёзмаси Олмонияда, «Устурлоб ясаш ҳақида китоб» қўлёзмасининг тўртта нусхаси Берлин ва Парижда сақланмоқда. Уни 1919 йили Видеман олмон тилида нашр этибди.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

(Давоми бор)

Ko'ngil bitiklari

Иброҳим Туркий (Иброҳим Ҳуккиев) Хатирчи туманида туғилган. Қарши педагогика институтида ўқиган. Муаллимлик ҳам қилган. Тақдир тақозоси билан у 1980 йилда Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятига кўчиб борган. Ҳозирда ҳам ўша ерда истиқомат қилиб, «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасида бўлим мудири бўлиб ишламоқда. «Маърифат»га ошно қалби амри билан Иброҳим ака ўз ижод намуналаридан бизга жўнатибди.

УМР— ИБРАТ ДАРСИ

Миллион ёшдадир, уғлим , бу дунё,
Замонни замонга боғлайди яна.
Азалдан яшатмоқ бўлса-да иши,
Ҳар тирик жонида ҳаёт ташвиши.
Яшаб бу дунёнинг ишларин кўрдим,
Яхшими, ёмонми, бир даврон сурдим.
Одамлар дардига изладим дармон,
Эрта соч оқарди, қолди кўп армон.
Ушалмади қанча-қанча тилагим,
Кимлардандир чекди озор юрагим.
Неки кўрган бўлсам, барин унутдим,
Ёмондан сабр-ла яхшилик кутдим.
Изладим ҳар дардга топилди чора,
Битмади кўнглимда тил тилган яра.
Узимни урмадим номаъқул ишга,
Яшадим бахтиёр бўлиб ҳамиша.
Дерлар-ку, не эксанг сахий тупроққа,
Ҳосил пайти тегар ўша ўроққа.

ОНАМНИ ЭСЛАБ

Неча йилдир кўнглимда бир дард,
Баҳрим ўртар, тинмайди ёшим.
Она, дейман чекиб минг фарёд,
Ҳасратингта етмас бардошим.

Кутмаганда ҳаёт онажон,
Олди эрта тупроққа сени.
Мисоли куз тўкилди хазон,
Қабринг узра йиғлатди мени.

Даврим билан бўлиб ҳамнафас,
Келажагим кўрдим, ўргандим.
Ҳадя этган чексиз меҳрингдан,
Ватанимни севдим, улғайдим.

Шу меҳрдан – шеърим, илҳомим,
Шу туфайли қўлимда қалам.
Биргинадир дардим, армоним,
Фақат сен йўқ, мунис волидам!...

Иброҳим ТУРКИЙ

Xullas...

ЁЗУВИНГИЗ МУНЧА ХУНУК?

Эътибор берсангиз, аксарият шифокорларнинг ёзувини ўқишда қийналасиз.

«Британия медицина журнали» врачларнинг ёзувини текшириш бўйича ўтказилган тадқиқот ҳақида ёзади ва унда юқоридаги фикр яна бир карра тасдиқланган. Бу тадқиқотнинг ўтказилишига шифокор қабулида бўлган беморларнинг норозилиги сабабчидир. Дўхтир берган рецептларни бемор тугул дорихоналарда ҳам тушунишмаяпти-да, ахир!

Юз нафар врачга ўз исми-шарифларини лотин имлосида ёзишлари ва рақамлардан иборат махсус формани тўлдиришлари лозим бўлди. Афсуски, варақалар компьютерга солинганида, уларнинг бирортаси ҳам талабга жавоб бермади. Ҳаттоки, айрим ҳарфлар мутлақо тушунарсиз, ай-қаш-уйқаш. Шукрки, рақамлар сал-пал ўзига ўхшар эди...

«БИЗНЕС» ЧИППАККА ЧИҚДИ

Таниқли эстрада хонандаси Валерий Леонтьевнинг концерти қўйилишини эшитган Череповец шаҳридаги ишқибозлар кассадан чипта сотиб ола бошлашди. Узини бу артистнинг вакили қилиб таништирган бир кимса «Алмаз» спорт-концерт зали бошлиқларига фалон суммалик чипталарни боплаб пуллади.

Концерт буладиган куни эса на артист, на унинг вакили қорасини кўрсатди. Зал маъмурияти Леонтьев билан боғланишганида, артист ҳеч кимга бундай кўрсатма бермаганлигини айтди.

Аён бўлишича, машҳур хонанданинг орқасидан «бизнес» қилмоқчи бўлган бу товламачи Мурманск вилояти фуқароси Поздняков бўлиб чиқди. Уддабурон ёлғончига нисбатан Москва иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлими ходимлари қидирув эълон қилишди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача», у ёғига йўл йўқ...

МИЯЛАР СОЛИШТИРИЛГАНДА...

Нина билан қудуқ қазувчи олимлар не бир кашфиётларни қилмаган дейсиз? Эркаклар ва аёллар мияси бир-биридан фарқ қилар экан. Гарчанд аёлларникига қараганда эркаклар мияси каттароқ эканлиги исботланса-да, вақт ўтиб бориши билан уларники кичрайиб қолар экан. 18 дан 45 ёшга қадар олд мия 15 фоизга, орқа мия эса 8,5 фоизга кичраяди. Бунинг натижасида эркакларда фикрлаш қобилияти пасайиб боради.

Аёлларда эса орқа мия бор-йўғи 5 фоизга қисқаради. Олд қисмида ўзгариш сезилмайди.

ana shunaqa gaplar...

Тошкент шаҳридаги 200-мактаб томонидан 1996 йилда ФОЗИЛОВА САИДА номига берилган 029040 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Sport

ТУМАН ҲОКИМИНИНГ СОВРИНИ УЧУН

Пойтахтимизнинг «Метрострой» ўйингоҳида Чилонзор туман ҳокимининг соврини учун теннис бўйича шаҳар турнири ўтказилди. Туркия ва Миср элчихоналари вакиллари иштирок этган ушбу беллашувларда «Пахтакор» теннис клуби аъзолари С. Ким ва Е. Азовлар биринчи, «Ҳадра» ТК аъзолари ота ва ўғил Икромовлар иккинчи ҳамда А. Ялалов ва А. Ретунскийлар учинчи ўринларни эгаллашдилар.

ЧЕМПИОНЛИК САРИ

Футбол бўйича навбатдаги 24-тур учрашувларида «Пахтакор» жамоаси «Металлург»ни қабул қилиб, 5:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Чемпионликка асосий даъвогарлардан бири бўлган «Нефтчи» жамоаси эса «Трактор»га учта жавобсиз тўп киритган ҳолда пахтакорчиларни «таъқиб» қилиб келмоқда.

МЕЗБОНЛАР УСТУН КЕЛДИ

Австралияда теннис бўйича Дэвис кубоги учун ўтказилган беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси мезбонлар билан куч синашдилар. Аммо бу учрашув австралиялик Патрик Рафтер бошлаган моҳир теннисчиларнинг ғирик ғалабаси билан якунланди.

ЕВРОПА ЯНА ТАН БЕРМОҚДА

Футбол бўйича Россия чемпиони «Спартак» жамоаси Чемпионлар Лигасига чиқиш учун ўтказилаётган халқаро баҳсларда испаниянинг «Реал» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, «С» гуруҳида 6 очко билан пешқадам бўлиб олди.

УКРАИНАЛИКЛАРНИНГ ИМКОНИЯТИ КАМ

Чемпионлар лигаси учун ўтаётган беллашувларда Киевнинг «Динамо»си эса Франциянинг «Ланс» жамоаси билан учрашиб, дуранг натижага эришишди. Мазкур учрашув якунига кўра, украиналик футболчилар «Е» гуруҳида 1 очко билан охирги ўринда туришибди.

maydoni

Tanlov

ҚАЙСИ ҚЎЛЛАНМА ҚУЛАЙ?

Эсингизда бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг «Республика таълим муассасаларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш тўғрисида»ги қароридан сўнг республика Маданият ишлари вазирлиги томонидан санъат ва маданият мутахассисликлари бўйича энг яхши ўқув қўлланмалари тайёрлаш учун республика кўрик-танлови эълон қилинган эди.

Куни кеча ушбу танловнинг натижаси кўриб чиқилди. Унга кўра, марҳум Исҳоқ Ражабовнинг «Шарқ мусиқий атамалари луғати» қўлланмаси йилнинг энг яхши дарслиги деб топилди. Розия Каримованинг «Мукаррама Турғунбоева рақслари» қўлланмаси, Шуҳрат Шамсиев, Зироат Ниғматова, Абдурозиқ Рафиев, Улуғбек Саидовларнинг «Кутубхонашунослик ва библиография атамалари изоҳли луғати» китоблари иккинчи ўринга муносиб топилди. Бундан ташқари, танловда иштирок этган ўнлаб муаллифларнинг қўлланмалари ҳам яхши дарслик сифатида эътироф этилди. Бироқ шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, танлов ўтказаётган мутасаддиларнинг фикрича, ушбу тадбирга жойлардаги, маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги муассасалар, ўқув юртлари кўнгилдагидек эътибор қилишмаган.

Дарҳақиқат, танлов натижасида янги-янги қўлланмалар дунёга келди. Энди уларнинг самарасини келажак кўрсатади.

МУХБИРИМИЗ

Sog'lom avlod uchun

ЗИЁЛИ ШИФОКОР

Сиз суратда кўриб турган, кўнгли ҳам либоси каби оппоқ бу шифокор – Донохон Мирбобоева чинакам зиёли инсон. У киши билан бир бор суҳбатда бўлганлар бунга гувоҳ бўлишлари, шубҳасиз.

Д.Мирбобоева мактабни фақат аъло баҳолар билан тугатгач, Урта Осиё медицина педиатрия институтига ўқишга кирди. Институтни тугатгач, мана 16 йилдирки, шифокорлик касбини улуғлаб келмоқда. Айни кунда, Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 1-республика шифохонаси 2-болалар терапияси бўлими мудираси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бу муассасага шифо истаб келганлар аввало унинг номини тилга оладилар. Донохон опа айниқса, болаларнинг соғлам, дуркун ўсишлари учун елиб-югурадиган инсон. «Шифокор нафақат ўз илми, балки ширин муомаласи билан ҳам кишилар дардига малҳам бўлмоғи керак». Бу сўзлар Донохон Мирбобоеванинг ҳаётий аъмолига айланганлиги, бежиз эмас.

Ш.ЗУФАРОВ
олган сурат

МАЙДОНДА ЁШ МОТОЦИКЛЧИЛАР

Куни кеча А.Иқромов тумани қўшимча техник таълим мажмуасида мотокартинг бўйича финал мусобақалари ўтказилди. Мусобақа туман халқ таълими бўлими мудири Ш.Иқромов соврини учун ўтказилди.

Шу куни кўплаб болалар ва катталар бу спортчиларнинг чиқишларини катта қизиқиш билан томоша қилдилар. Шундай қилиб ғолиблар аниқланди. Шунингдек, уларга 1-,2-, ва 3-даражали кубоклар топширилди.

Шу куни мотоциклчилар ўқитувчилар олдида номерлар намойиш этишди. Келгусида ўқувчилар Фарғонада ўтказиладиган Республика мотокартинг мусобақаларида қатнашадилар.

Э.АБДУРАҲМОНОВА

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИСИ

«А» ва «Б» синфлар бирлашиб, адабиёт дарсида ўтирибмиз. Марҳум устозимиз Олимжон Шарофов журналдан келди-кетдини аниқлаб, дарсга ўтдилар. «Биз бугун академик шоир Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини ифодали ўқиб, ҳам мазмунини айтиб берамиз» дедилар. Бир «А» синфдан, бир «Б» синфдан ўқувчилар доскага чиқа бошлади. Ниҳоят навбат менга етди. Шеърни ифодали ўқияпман. Сукунат ичра шеърни ўқиб тугатдим. Бирдан ўқитувчимиз «яшавор» дедилар. Кўзларида қувонч порлади. Бу қувонч заҳматли меҳнатлари инъикоси эди. Эртадан мен мактаб радиоузелида шеърлар ўқийдиган бўлдим.

МАКТАБНИ СЕВАМАН

Шунчалик вақтли тураманки, мактабга боришга шошиламан. Мунча яхшисан, мактабим! Болалигимдан энг ёрқин из қолдирган сенсан. Чунки сенинг бағринг кенг, қанчадан-қанча шогирдларни вояга етказиб, илм-маърифатли қилган устозларинг бор. Устоз сўзини таърифлашга тил ожиз.

Бир куни озгина ухлаб қолибман. Уйғонсам, қуёш нур сочиб турибди. Мен мактабга кеч қолдим деб йиғлаб, дарров сумкамни олиб кўча томон югурибман. Орқамдан ойим раҳматлик: «Ҳой қизим, бугун якшанба-ку» деб қайтарганлари ҳамон эсимда. Сенинг бағрингга отланиб боришдан, илм олишдан ҳеч қачон зерикмаганман. 6-синфда ўқиб юрганимда сенга бағишлаб илк бор шеър ёзганман.

ШЕЪРИМ

Эрта тонгда туриб,
Отланаман бағрингга
Яйраб бунда ўйнайман
Жуда қадрдонсан менга

Муаллимим меҳрида
Ота-она меҳри бор
Улғайиб топиб камол
Ишда бўламан илғор.

Хилма-хил фан баҳси-ла,
Дилларимни яшнатдим.
Мана, илк шеъримни ҳам
Фақат сенга атадим.

Онажон, сиз шеъримни газета саҳифасида курганингизда севинчингиздан кўзларингизга ёш келгани, болангиз севинса севиниб, йиғласа хафа бўлганларингиз, ана шу мактаб остонасига боргунча сиз берган таълиму сабоқларингиз ҳаммаси менга ҳамроҳ бўлиб йўл кўрсатган. Ахир сиз ёш бўлсангиз ҳам сиздан ёши улуғлар келиб маслаҳат сўрар эди. Улар олдингиздан қандай қувонч билан хотиржам чиқиб кетардилар. Сиз ўзингиз хафа бўлиб турган бўлсангиз ҳам ўзгаларга сездирмас эдингиз. Ана шу сиздаги бағри кенгликни устозларга қиёслайман. Онажон, сиз бизни сизлар эдингиз. Қанчалик хушлавз, меҳрибон, сизнинг бу фазилатларингиз нурли чеҳрангизни янада чиройли кўрсатарди. Сизнинг уришганингиз сенсираганингиз буларди, шу биз учун сабоқ эди. Онажон, бугунги ул-ғайган кунимда сизнинг бетакрор насиҳатларингиз қиз бола учун зарур тарбиявий сўзларингиз менинг болалик кунларимда қалбимга ёзилган энг ёруғ сабоқлардирки, мен ҳам уни фарзандларимга ўргатиб бораман. Эҳ болалик, сенинг шўхликларинг билан «хола-холақаси» ўйнамаган қиз болалар, ёшлигидан қўғирчоқни аллалаб, ўғил болалар машина ҳайдашни машқ қилиб биб-библаган, ўша кунларни ким эсламайди дейсиз?!

Болалик, сени ҳамма соғинади, бир зумгина бўлса ҳам болаликка қайтгиси келади. Болалигим, сени соғиндим!

Саломатхон ҲАСАНОВА

Bolaligim, seni sog'indim

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ

Газетани IBM компьютерида Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди- 21.30. Г. 123456